



## **"COVID-19 INFECTIONSINING EPIDEMIOLOGISTS KHUSUSIYATLARI "** **(Toshkent Shahri Misolid)**

Khamzaeva Nilufar Toshtemirovna,

Toshkent Tibbiyat Academy, Epidemiology Department and Assistant, Ph.D Mustakil  
Izlanuvchisi Mail: nilufar.xamzaeva.90@mail.ru Tel: +998903984422

Matnazarova Gulbahor Sultanovna,

Doctor of Medical Sciences, Head of the Department of Epidemiology, Tashkent Medical  
Academy gulbaxor.matnazarova@tma.uz phone. 97.343-23-09

Mirtazaev Omon Mirtazaevich,

Doctor of Medical Sciences, Professor of the Department of Epidemiology of the  
Tashkent Medical Academy. amanturdi.mirtazaev@tma.uz phone. 90.946-91-22

### **Annotation**

The COVID-19 infections are highly contagious diseases and in the case of the number of patients are rapidly increasing. It is important to know the specific prevalence aspects of the disease, epidemiological features, and appropriate methods for identifying and treating patients with infection. Treatment methods of COVID-19 are still incomplete and, as the characteristics of the virus are changing, it encourages further improvement of epidemiological, prophylactic and therapeutic measures.

**Key words:** COVID-19, epidemiology, prevention, spread of infection.

### **Аннотация**

COVID-19 касаллиги юқори даражада юқумли касаллик бўлганлиги учун беморларнинг сони тез суръатлар билан ўсиб бормоқда. Инфекция билан касалланган bemorlarни аниқлаш ва даволаш учун касалликнинг ўзига хос тарқалиши жиҳатлари, эпидемиологик хусусиятлари ва тегишли усулларни билиш жуда мухим аҳамиятга эга. COVID-19 даволаш усуллари эса ҳали ҳам тўлиқ такомиллашмаган ва вирус хусусиятлари ўзгариб бориши билан унга нисбатан қаратилган эпидемиологик, профилактик ва даволовчи чора-тадбирларни янада такомиллаштиришга унданмоқда.

### **Аннотация**

Инфекции COVID-19 - очень заразные заболевания, и количество пациентов быстро увеличивается. Важно знать конкретные аспекты распространенности



заболевания, эпидемиологические особенности и соответствующие методы выявления и лечения пациентов с инфекцией. Методы лечения COVID-19 все еще не завершены, и, поскольку характеристики вируса меняются, это не способствует дальнейшему совершенствованию эпидемиологических, профилактических и терапевтических мер.

**Калит сўзлар:** COVID-19, эпидемиологияси, профилактикаси, инфекция, тарқалиши.

**Ключевые слова:** COVID-19, эпидемиология, профилактика, распространение

**Долзарблиги:** 2019 йилнинг охирига келиб Хитойнинг Ухан шаҳрида тўсатдан этиологияси номаълум бўлган пневмония касаллиги пайдо бўлди, тезкорлик билан олиб борилган текширишлар натижаларига қўра кейинчалик бу вирусли инфекция қўзғатувчиси коронавирус, ўткир оғир нафас олиш синдроми қўзғатувчиси (SARS-CoV-2) эканлиги тасдиқланди[3]. Орадан кўп вақт ўтмай, вирус дунё бўйлаб тез суръатлар билан тарқала бошлади ва инсонлар орасида касалланиш кўрсаткичлари дунё миқиёсида ортиб борди ва шунингдек дунё ҳамжамияти учун катта иқтисодий йўқотишларни келтириб чиқарди. 2020 йилнинг 12-февралида ушбу янги вирусли касаллик ЖССТ томонидан коронавирус касаллиги яъни “COVID-19” деб номланди. Шу даврдан бошлаб бутун дунё тиббиёт мутахассислари ва олимлари унга қарши эпидемиологик, профилактик чора-тадбирлар ва такомиллашган даволаш тадбирларини ишлаб чиқишига ҳаракат қилинмоқдалар[1]. Covid-19 инфекциясининг эпидемия ва пандемия шаклида кечишига қўйидаги омиллар сабаб бўлади [4].

1. Аҳолининг зичлиги 2. Аҳолининг миграцияси (чет элга чиқиб келиши)
3. Аҳоли яшайдиган хоналар ва майдонларнинг санитария-гигиена ҳолатининг ёмонлиги.
4. Аҳолининг уч нафар ва ундан ортиқ ҳолда бир жойга йиғилиши (тўйлар ўтказиш, концертларда, санъат саройларида аҳолининг йиғилиши, умумий овқатланиш хоналарига бир вақтда йиғилиш)
5. Болаларнинг боғчаларга ва мактабларга бориб гуруҳлар ва синфларда йиғилиши.
6. Олий ва ўрта таълим институт ва университетларида, коллежларда таълим олаётган талабаларнинг бир жойда йиғилиши.
7. Эпидемия кузатилаётган вақтда фуқаролар тўйлар ва маъракалар ўтказиши.
8. Эпидемия кузатилаётган вақтда фуқароларнинг масжидларга, сенагогларга, черковларга бориши.
9. Оилавий поликлиника ва шифохоналарда коронавирус билан касалланган фуқароларни ташхис қўймасдан қабул қилиш ва даволаш.
10. Шаҳарларда ва вилоят ҳудудларида махсус



рухсатномаси бўлмаган шахсий автомашиналарда одам олиб юриш. 11. Чет элдан келаётган ўзбекистон ва чет эл фуқароларни текширувдан ўтказмасдан туриб шаҳарга киритиш.

Ушбу омиллар Covid-19 инфекциясининг кенг тарқалиб эпидемияга ва пандемия шаклига ўтишига сабаб бўлади [5].



Оғир ўткир нафас олиш синдроми сабаб бўлган COVID-19 пандемияси бир неча ой ичида глобал эпидемиядан глобал пандемияга айланди. 2021 йилнинг 9 - май ҳолатига қўра дунёнинг 216 мамлакатида 157 789 328 миллион COVID-19 касаллиги тасдиқланган ва 3 285 270 миллион ўлим ҳолати қайд етилган [2].

**Тадқиқотнинг мақсади:** COVID-19 инфекциясининг эпидемиологик хусусиятлари ва тарқалишини Тошкент шаҳри мисолида ўрганиш.

**Тадқиқот материаллари ва усуслари:** Ўзбекистон Республикаси СЭО ва ЖСМнинг 2020 йил COVID-19 инфекцияси билан касалланганлар рўйхати. Шунингдек COVID-19 эпидемиологик назорати, профилактика ва эпидемияга қарши чора тадбирларга оид адабиёт маълумотлари, таҳлилий тадқиқот усуслари (ретроспектив тадқиқот услуби).

**Тадқиқот натижалари ва муҳокамаси:** Ўзбекистон Республикасида COVID-19 билан касалланишнинг 100 минг аҳолига нисбатан ретроспектив эпидемиологик таҳлили ўтказилганда қуйидагилар аниқлади:

2020 йил Тошкент шаҳрида касалланиш курсаткичини туманлар кесимида таҳлил қилинганда қуйидагилар маълум бўлди. Бектемир туманида касалланишнинг интенсив курсаткичи бошқа туманларга нисбатан юқорилиги аниқланди. Яккасарой туманида эса нисбатан касалланиш кўрсаткичи паст даражада бўлган ва бунга сабаб сифатида келтиришимиз мумкинки пандимея даврида туманга чет элдан келган фуқаролар сони бошқа туманларга нисбатан кам сонда бўлган ва бу умумий касалланиш курсаткичига ҳам тасир қилиб касалланиш курсатгичлари нисбатан кам бўлишига сабаб бўлган (1-расм). Шайхантохур туманида касалланиш кўрсаткичи таҳлили олиб борилганда шу маълум бўлдики туман Тошкент шаҳри марказида ва аҳоли сони энг зич жойлашган туман бўлишидан қатъий назар бошқа туманларга нисбатан касалланиш кўрсаткичлари энг паст даражада бўлган. Бунга сабаб туманда карантин пайтида кўрилган тезкор чора-тадбирлар марказда жойлашган тумани бўлганлиги сабабли қатий назоратга олинган ва бунинг натижасида касаллик тарқалиши олди олинган.




■ Ташхиси тасдиқланган ■ инт. курсаткич ■ Касаллик ташхиси қўйилган чет елдан келган фукаролар

1-расм. Тошкент шаҳрида COVID-19 инфекциясининг касалланиш ва интенсив қўрсатгичи, туманлар кесимида

Covid-19 инфекцияси билан касалланганларни касбий гурӯҳлар бўйича таҳлил қилинганда касалланиш ҳоллари уй бекалари ва ишсизлар орасида куп сонда кузатилган. Бунга сабаб бозорлар, туй ва аъза маросимларида асосан уй бекаларининг қўп иштирокини келтириш мумкин (2-расм).

Тошкент шаҳрида Covid-19 касаллиги билан касалланганларни жинс бўйича таркиби ўрганганилганда умумий касалланишларнинг 53% аёллар, 47% эркаклар ташкил қилган.

Ўзбекистонда Covid-19 касаллиги 2020 йил март ойидан бошлаб рўйҳатга олина бошланди. Тошкент шаҳрида касалланиш қўрсаткичи июл, август, сентябрь, октябр ойларида энг юқори даражага чиқди. Олиб борилган чора тадбирлар натижасида ноябр ойидан бошлаб касалланиш курсатгичи пасайиб борган (4-расм).



4-расм. 2020-йил Тошкент шаҳрида COVID-19 билан касалланишининг туманлар кесимида куриниши

**Хулоса:** Юқорида келтирилган илмий эпидемиологик таҳлил натижаларига кўра COVID-19 касаллиги билан касалланиши олдини олишда нафақат хукumat даражасида олиб борилаётган касалликка қарши чора-тадбирлар тизимини мунтазам бажариш, балким ҳар бир шаҳс индивидуал ёндашиши талаб этилаётган асосий томонлар ҳам мавжуд. Туманлар кесимида қилинган таҳлиллардан маълум бўлдики касалланища аҳоли зичлиги, аҳоли жинс ва касб бўйича таркиби, туман инфраструктураси ва йилнинг фасли маълум даражада ўзига ҳос рол ўйнамоқда. Аммо барчамиза маълумки касаллик қўзғатувчиси вируслар, жумладан коронавируслар оиласига мансублиги сабабли турли ташқи ва ички муҳит омилларида қарши гинетик ўзгарувчанлик ҳолати мавжуд, бу эса вирусга қарши олиб бориладиган эпидемиологик чора-тадбирларни мунтазам тарзда bemorлар касалланиш ҳолатлари, тарқалиш хусусиятларини инобатга олиб такомиллаштиришни талаб этмоқда.

**Тавсиялар:** Аҳолига нисбатан COVID-19 эпидемиологик хусусиятларини инобатга олиб касалланишларни олдини олишда умум ишлаб чиқилган қуйидаги чора-тадбирларни тавсия этишимиз мумкин.

- Касалликка қарши эмланиш
- Ижтимоий масофани сақлаш
- ШХВ самарали фойдаланиш

## Фойдаланилган адабиётлар

- 1) Epidemiology, Spectrum, and Impact of COVID-19 on Children, Adolescents, and Pregnant Women. О. Ирфан, К. Танг, М. Арии, З.А Бхутта. педиатрическая фармакология 2020



- 2) The epidemiology and therapeutic options for the COVID-19. Jingwei Li, JunShao, Chengdi Wang and Weimin Li, Precision Clinical Medicine, 28 May 2020 Review
- 3) The Covid-19, Epidemiology, Clinic and Prevention, Alessandro Antonelli, Giusy Elia, Silvia Martina Ferrari, Rudy Foddis, Salvatore De Marco, Alfonso Cristaudo and Poupak Fallahi, Current Genomics, 2020,
- 4) меры по смягчению последствий от распространения covid-19, принятые в странах еаэс и республике узбекистан. У. Н. Нарзуллаева, С. А. Воронин. Развитие территорий. 2020
- 5) Пандемия COVID-19 как вызов для постсоветских стран Центральной Азии. Ахунов Азат Марсович, journal of internationalanalytics